



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 212 (12.523)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Бугун кишлоқ ҳўжалиги соҳасида, қолаверса, бутун юртимиз ҳаётида қувончли бир воқеа, яъни, мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд хирмон бунёд этиб, катта меҳнат галабасига эришдилар. Ватанимиз тараққиёти йўлида, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантиришда, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон ва обод қилишда, ҳақиқатан ҳам, катта ҳисса бўлган бу улкан ютуқ билан авваламбор пахтакорларимизни, барча кишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашларини чин қалбимдан самимий мувожабатлашдан эътишдан хурсандман.

Бу юксак марра пахтачилик ишига ўз ҳаётини бағишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган деҳқон ва фермерларимизнинг, ушбу соҳага дахлдор олим ва мутахассисларнинг ўта мураккаб ва машаққатли меҳнати натижаси, том маънода мардлик ва матонат намунаси эканини халқимиз яхши билади ва юксак баҳолайди.

Пахтани ўстириш, уни парвариш қилиш, мўл ҳосил етиштириш билан таниш бўлган ҳар қайси одам бу иш нақадар оғир меҳнат талаб қилишини, бунинг учун йил давомида, биринчи навбатда, ер ва уруғ тайёрлаш, кунни – кун, тунни – тун демасдан, ҳар туп кўчат устида парвона бўлиш, шунингдек, об-ҳаво инжиқликлари, касаллик ва зараркунандалар етказадиган зиёнлар ва бошқа турли муаммоларни бартараф этиш – буларга фақат иродаси мустаҳкам, ўз касби ва меҳнатини севган инсонларгина қодир эканини англайди, тушунади.

Бу йилги мавсумни оладиган бўлсак, апрель ойида ҳаво ҳароратининг меъёрдан сезиларли даражада паст бўлгани, сурункали ёмғир ва жала тўғайли чигит экиш 5-7 кунга кечикиб кетгани, май ойида 20-25 кун давомида тупрокда намлик миқдори ортиб, чигитнинг униб чиқиши ва ўза ривожини деярли тўхтатиб қўйганини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Июль-август ойларида эса ҳарорат одатдагидан 8-10 даража юқори бўлгани, жанубий вилоятларимизда жазирада иссиқ 45-50 даражага етгани, кўзни очирмайдиган гармсел, кучли шамол ва бўронлар кузатилгани, турли зараркунанда ва касалликлар кўпайгани, табиийки, ўза ривожига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосил тақдирини ҳавф остида қолдирди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, пахтакорларимизнинг бу йилги мавсумда, ана шундай кескин ва мураккаб вазиятда эришган юксак марра ва натижаларининг аҳамияти ва қадр-қиммати янада ортади ва ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга арзийди, албатта.

Шу борада беихтиёр одамнинг ҳаёлига келадиган бир фикрни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан. Пахта азал-азалдан оқлик, оқ рангининг тимсоли сифатида эътироф этилади. Оқ пахтани фақат оққўнли одамларгина етиштиради. Таъбир жоиз бўлса, пахта нафақат оқ рангнинг рамзи, балки фидокорона меҳнатнинг махсули десак, ҳеч қандай муволаға бўлмайди.

Қадрли юртдошлар!

Ҳеч кимга сир эмас, деҳқончиликда, айниқса, бизнинг Ўзбекистон шароитида тупроқимиз, еримиз сифатини инобатга оладиган бўлсак, ҳар қандай ҳосилнинг энг катта, ҳал қилувчи омил – бу экин майдонларининг мелиоратив ҳолатидир. Кейинги беш йил мобайнида махсус давлат дастури асосида мамлакатимиз бўйича салкам 1 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион 460 минг гектар сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангани кишлоқ ҳўжалиги соҳасида мўл ҳосил етиштириш, жумладан, ўтган шу даврда пахтачиликда ҳосилдорлиқни 24 центнердан 26,4 центнерга етказиш учун замин яратиб берди.

Мустақиллик йилларида ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, эртапишар ва серҳосил ўза навларини яратиш, селекция олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларини тўғайли ушлаб истиқболли янги навлар яратишиб, амалда жорий этилгани соҳа ривожига салмоқли қадам бўлганини қайд этиш зарур.

Бу йилги мавсумда вужудга келган мураккаб муаммо ва қийинчиликларни бартараф этиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ куч ва имкониятларни сафарбар этишга тўғри келди. Бунинг тасдиғини аввало омиқдор деҳқонларимизнинг интенсив агротехнологияларни самарали қўллагани, ўза қатор оралари ҳар йилгидан 3-4 марта кўп, ўртача 7 марта қўллаб қилинган, сугориш ишлари шарбат усулида олиб борилиб, гектарига 10 тоннадан, жами 10 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани мисолида кўриш мумкин.

Шулар қаторида кейинги йилларда шаклланган самарали тизим асосида фермер ҳўжаликлари имтиёзли кредитлар ва техника билан таъминлангани, зарур уруғлик, маҳаллий ва минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари бевосита даланинг ўзига етказиб берилгани, йиғим-терим жараёни ушқоқлик билан ташкил этилгани етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, унинг 90 фоиздан ортигини юқори сортларга топшириш имконини берди.

Айниқса, дефолиация ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилгани, кейинги йилларда бу агротехник тадбирнинг нақадар муҳим эканини фермерларимиз чуқур англаб етгани ва бу борадаги ишлар тизимли ра-

вишда олиб борилаётгани ўза ривожига бирмунча кечикиш кузатилган жорий йилда ўзининг аниқ самарасини кўрсатди.

Энг муҳими, инсон омилига катта эътибор берилаётгани, кишлоқ аҳлининг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, ўз ерига эғалик ва масъулият ҳисси, эртанги кунга бўлган ишонч, дахлдорлик туйғуси тобора ортиб, онгу тафаккури юксалиб бораётгани бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилисиз.

Ишни оқилона ва самарали ташкил этиб, ўз шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб адо этган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятлари, барча вилоятларимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни ис-тардим.

Айниқса, Амударё, Эллиққалъа, Шахрихон, Тошлок, Учкўприк, Ўзбекистон, Вобкент, Қарши, Навбахор, Уйчи, Поп, Нарпай, Шеробод, Кумкўрган, Бўка, Гурлан туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани 20-25 иш кунинида бажариб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлдилар.

Юртимиздаги минглаб илғор фермер ҳўжаликлари қаторида Қамати туманидаги «Ашур ота», Муборак туманидаги «Олам», Навбахор туманидаги «Мартабали», Наманган туманидаги «Олтин замин ифтихори», Каттакўрган туманидаги «Ҳосил», Пахтачи туманидаги «Умида Шарипова», Сирдарё туманидаги «Адолат момо», Риштон туманидаги «Гулобод юрт», Амударё туманидаги «Улғубек Ўрозбоев», Эллиққалъа туманидаги «Рўзимбой бобо», Олтинкўл туманидаги «Нур-зиё кўзи» сингари фермер ҳўжаликлари ҳосилдорлиқни гектаридан 45-60 центнерга етказиб, фермерлик ҳаракатининг катта имкониятларини, ўзбек деҳқони қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор исботлаб бердилар.

Айни вақтда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг тадрижий мантиқи, ҳаётнинг ўзи фермерлик ҳаракатини янги, юксак босқичга кўтаришни тақозо этаётганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу борада соҳа ривож учун янги имкониятлар туғдириб бериш, унинг самарадорлигини ошириш, ерни том маънода ҳақиқий эгасига топшириш, аграр соҳада ўзига хос мактаб яратган илғор фермерларнинг иш тажрибасини ёшларга ўргатиш, замонавий билим ва малакага эга бўлган янги фермерлар авлодини тарбиялаш каби ўта муҳим вазифалар эътиборимиз марказида туриши зарур.

Хурматли юртдошлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, кишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг пировард натижаси деҳқонларимизнинг ўз меҳнатидан муносиб даромад олиши, аҳолиимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишдек эзгу мақсад билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу маънода, мустақиллик йилларида мамлакатимизда пахта толасини юксак технологиялар асосида қайта ишлаш, уни қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулот сифатида экспорт қилиш ҳажми ортиб бораётгани диққатга сазовордир.

Агар 90-йилларда юртимизда етиштирилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ўтган давр мобайнида бу рақам қарийб 6 баробар ортиб, ҳозирги вақтда салкам 40 фоизни ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида олдимизда турган турли муаммоларни ечиш, минг-минглаб юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизни замонавий иш жойлари билан таъминлаш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш имконини бераётганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу йил пахтачиликдан олинadиган алли даромад ўртача 3 триллион 100 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 23 фоиз кўп бўлиши кўтилаётгани деҳқон ва фермерларимизнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини кучайтириш, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва бошқа умуммиллий дастурларимиз доирасида белгилаб олган вазифаларимизни амалга оширишга хизмат қилиши билан айниқса эътиборлидир.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугунги хурсандчилик кунда сиз, фидойи деҳқон ва фермерларни, сувчи ва механизаторларни, агроном ва селекциячиларни, мутахассис ва мутаассадиларни, Ўзбекистонимизнинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшган барча инсонларни бағримга босиб, яна бир бор табриклар эканман, сизларга қалбимда, юрагимда бўлган хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мана шундай шуқуҳли дамларда биздан тарҳаматини дариг тутмасдан, ўз паноҳида асраб келаётгани, доимо йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шуқуҳналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Эл-юртимиздан, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин! Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МДҲНИНГ МИНСК САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24-25 октябрь кунлари Минск шаҳрида бўлиб, МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг саммитлари 20 йилдан ортиқ вақт давомида давлатлараро аҳамиятга молик муҳим масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш, ўзаро маъқул қарорлар қабул қилиш мақсадида очик маслаҳатлашиш учун қулай мулоқот майдони вазифасини ўтаб келмоқда.

Минск учрашувида Ҳамдўстлик фаолиятини янада такомиллаштириш, аъзо мамлакатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможавий, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар минтақавий ва халқаро муаммолар, хусусан, терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-ярроғ контрабандаси каби таҳдидларни бартараф этишда ҳамкорлик борасида фикр алмашдилар.

Афғонистондаги вазият ҳақида сўз борар экан, 2014 йилда халқаро коалиция кучлари бу мамлакатдан чиқарилиши хавфсизлиқни таъминлаш борасидаги муштарак саъй-ҳаракатларни янада фаол мувофиқлаштиришни тақозо қилиши таъкидланди.

Ислом Каримов Ҳамдўстлик маконида терроризм ва экстремизм ғоялари кириб келишига йўл қўймайдиган муҳитни шакллантириш, бу иллатларнинг олдини олишда фақат уларнинг ўзи эмас, манбаларига қарши курашиш зарурлигини қайд этди. Ўзбекистон раҳбари бу борада ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Афғонистондаги вазият ҳақида тўхталиб, бу муаммонинг ҳарбий ечимини йўқ эканини, қуролли можаброга мурося ва музокара билан барҳам бериш мақсадга мувофиқ эканини қайд этди.

Давлат раҳбарлари МДҲ доирасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга доир масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Маълумки, бу йўналишдаги кўп томонлама ҳамкорлиқни янада ривожлантириш мақсадида 2011 йилда Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартнома имзоланган. Президент Ислом Каримов тўлақонли эркин савдо зонасини барпо этиш энг устувор ва муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлади. Зеро, дунёдаги қўллаб-қувватлашчи молиявий-иқтисодий инкирозни бошдан кечирган ва унинг асоратларини бартараф этаётган ҳозирги шароитда мукаммал эркин савдо зонасини шакллантириш ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ишбилармон доираларнинг ўзаро ишончини янада мустаҳкамлаш, қўшма иқтисодий дастурларнинг вақтида ижро этилишини таъминлаш каби қатор иқтисодий самаралар беради.

Президентлар маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиб, 2014 йилни МДҲда Сайёҳлик йили деб эълон қилишга қилишиб олдилар.

Давлат раҳбарлари жиноятчилик, одам савдоси, нарқобизнес, терроризмга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастурларни тасдиқладилар.

Ҳамдўстликка раислик 2014 йилдан Украинага ўтади.

Анвар БОБОЕВ,
Ўза махсус мухбири
Тошкент – Минск – Тошкент



МАМЛАКАТИМИЗДА

● 25 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар иккинчи ўқишда бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи вилоят комиссияси томонидан семинар-йиғилиш ўтказилди.

● Фарғона шаҳрида Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг минтақавий филиали иш бошлади. Мамлакатимизда соғлом ва барқамол авлодни вояга етказиш, ёшларнинг замонавий илм-фан сирларини пухта ўзлаштириш учун барча шароитлар яратилмоқда.

● Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари учун янги чегара пости мажмуалари ва 36 янги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил қилинган маросимларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● АҚШда жорий йилнинг сентябрь ойида августдагига нисбатан камроқ иш жойлари ташкил этилди. Аммо шунга қарамай ишсизлик даражаси 0,1 фоизга пасайди. Айни пайтда бу борадаги умумий кўрсаткич 7,2 фоизни ташкил қилмоқда.

● Финляндиянинг «Nokia» компанияси мобиль технологиялар бозоридаги кучли рақобатни енгиб ўтиш мақсадида янги маҳсулотларни тақдим қилди. Жумладан, «Limia 2520» русумидаги планшет компютери ҳамда 6 дюйм ҳажмли экранга эга икки хил смартфон экспертларнинг фикрича, ҳақиқатан ҳам, «Nokia»га мўлмай даромад келтириши мумкин.

● «Microsoft» компанияси асосчиси Билл Гейтс Испаниянинг «FCC» қурилиш компанияси акциялари пакетининг бир қисмини 113,5 миллион еврога сотиб олди. Таъкидлаш жоизки, айнан шу ангилқдан сўнг Испания компаниясига тегишли қимматли қоғозларнинг нархи бирданига 13 фоиз кўтарилиб кетди.

● 2015 йилнинг июнь ойидан бошлаб, Янги Зеландия миллий почта компанияси шаҳар ҳудудида қафтасига, бор-йўғи уч кун, кишлоқ жойларда эса беш кун ишлайди. Маълумки, дунё миқёсида электрон почта тизими тобора оммалашиб бораёпти. Бу эса, ўз-ўзидан, аънавий усулдаги хизмат турларига талабнинг сезиларли даражада қамайишига сабаб бўлаётир.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **МАЪНАВИЯТ** тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлимида «Йилнинг энг фаол маъ-

навият тарғиботчиси» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Тошкент темир йўл муҳандислари институтида «Ва-

танам оstonаси маҳалламдан бошланади» мавзуида тадбир уюштирилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент

метрополитени поездлари ҳаракати хавфсизлиги борасида олиб борилаётган ишлар бўйича матбуот анжумани ўтказилди.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ХУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонун ижодкорлиги: муаммо ва ечим» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Юртбошимиз ташаббуси билан янги тахирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби янада кенг ёритиб берилди.

Матбуот анжуманида Адлия органларининг асосий вазифаларидан бири – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг қонун ижодкорлиги фаолиятини тизимли таҳлил қилишни ташкиллаштириш, улар томонидан киритиладиган ёки қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизани амалга ошириш ҳисоблангани қайд этилди.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш ҳамда модернизациялаш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди Адлия вазирлиги бош масlahatchиси Жасур Сирожев. — Шу боис, бугунги матбуот анжуманимизнинг мавзуси ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги, эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланди.

Худудий адлия органлари томонидан норма ижодкорлиги юзасидан ўтказилган тадбирларнинг ҳам сон ҳам сифат жиҳатидан ўсганлиги мазкур йўналишлар бўйича қўнғузулиш ҳолатлари сонини камайтириб, ўз навбатида интизомий жавобгарликка тортилган шахслар сонининг камайишига олиб келди.

Таъкидлаш лозимки, ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг расмий нашрларда эълон қилинмаслиги аҳолининг қабул қилинаётган қарорларнинг мазмунидан бехабар қилишига, уларнинг ҳуқуқий билимлари етарли бўлмаслигига олиб келиши билан бир қаторда мазкур қарорларнинг кучга кириши билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Албатта, бу каби камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш ҳамда уларга келгусида йўл қўймаслик мақсадида Адлия вазирлиги томонидан бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вазирлик томонидан жойларда сайёр

семинарлар ташкил қилиниши амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, мавжуд муаммоларни жойида бартараф этиш бўйича аниқ тасвир ва кўрсатмалар бериб келинмоқда.

Бинобарин, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ажралмас бўлаги сифатида ихтиомий муносабатларни тартибга солишда алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидланганидек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тайёрланаётган норматив тусдаги қарор лойиҳалари сифатини янада ошириш, қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқишнинг таъминлаш мақсадида, Адлия вазирлиги томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда қўлланма сифатида «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома қабул қилинди.

Анжуман давомида соҳа вакиллари томонидан ҳокимият идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш борасидаги фаолиятини ўрганиш мақсадида, адлия органлари томонидан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларидан ўрганишлар ўтказиш, натижаларини умумлаштириш ва тегишли тақлифлар тайёрлашнинг кенг ва самарали амалиёти йўлга қўйилганлиги айтиб ўтилди. Хусусан, биргина Жиззах вилояти, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан 2011, 2012 йиллар ҳамда 2013 йилнинг биринчи чораги давомида жами 321 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилинган. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Навоий вилоятида 86 та, Наманган вилоятида 150 та, Фарғона вилоятида 278 та, ташкил қилди. Мазкур қўнғузулиш ҳолатларини бартараф этиш, келгусида бу каби камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида адлия органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдимномалар киритилган. Ушбу таъсир чоралари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 33 нафар масъул мансабдор шахслари интизомий жавобгарликка тортилган.

Тадбирда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятининг такомиллашуви ҳуқуқий қўллаш соҳасининг янада кенгайишига хизмат қилиши, бунда энг аввало юридик хизматлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уни малакали мутахассислар билан таъминлаш муҳим эканлиги қайд этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари турларини янада такомиллаштириш, миқдорларга имтиёз ва афзалликлар яратиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

СУГУРТА ХИЗМАТИ: ТАКЛИФ ВА ТАНЛАШ ИМКОНИАТИ

Унда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош директорининг ўринбосари Ж.Ризаев мамлакатимизда суғурта бозорининг молиявий инфратузилмасини шакллантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида компания суғурта бозорининг янги сегментларини ўзлаштириш ва замонавий суғурта маҳсулотларини жорий этишда фаол иш тирок этаётганини таъкидлади.

Обод турмуш йилининг ўтган тўққиз ойи мобайнида компания ўз миқдорларига умумий суғурта соҳасининг мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича кўрсатган хизматлари эвазига суғурта муқофотлари ҳажми 2012 йилга нисбатан 25,1 фоиз, қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ҳажми 21,3 фоиз ўсди.

Компанияда жисмоний шахсларга кўрсатилаётган суғурта хизматлари қўламини кенгайтириш, уларга қўлай имконият ва афзалликлар яратиш доимий эътиборда. Шу мақсадда 2012 йили компания тизимида ташкил этилган Суғурта маркази аҳолига, хусусан, чекка ҳудудларда яшовчи миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, худудий бўлинмалар ва малакали суғурта агентлари тармоқини янада ривожлантириш ва кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада худудий бўлинмалар сони 111, жис-

моний ва юридик шахслардан иборат суғурта агентларининг сони минг нафардан ошди.

Суғурта компанияси фаолиятида миқдорлар ишончини қозонишда суғурта тўловларининг ўз вақтида тўлаб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу йилнинг 9 ойи якунларига қўра, жисмоний шахслардан иборат миқдорларга тўланган суғурта қопламаларининг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 37,5 фоиз ўсиб, 2 миллиард 234 миллион сўмини ташкил этди.

Компания жисмоний шахсларга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларига қўлай, тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш мақсадида электрон коммуникация тармоқлари орқали полислар сотишни йўлга қўйиш, «SMS» орқали ахборот хизматлари кўрсатиш тизимини жорий этиш, миқдорлар ва давлат органлари вакилларига ўз телефонларидан «SMS»-сувнома юбориш орқали компания базасидан маълумот олиш имкониятини яратди.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга компания мутахассислари томонидан батафсил жавоблар олди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Ҳуқуқ, бурч ва масъулият

БАРЧА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР, УЙ-ЖОЙ, МУЛК ВА ИЖАРА ТЎҒРИСИДА

1. «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖнинг асосий вазифалари

Энергетика тизими томонидан белгиланган ҳажмлар ва режимида 10-6-0,4кВ тармоқлари бўйича, шартнома асосида электр энергия сотиб олишни, тақсимлашни ва сотишни амалга ошириш, шартномалар ва шартномавий миқдорларга мувофиқ ҳажмларда истеъмолчиларни узлуқсиз ишончли электр таъминотини таъминлаш;

- энергетика тизимининг самарали ишлашини оширишга йўналтирилган, электр тармоқларини керакли даражада эксплуатация қилишни ва улар ривожланишини таъминлаш;

- истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришда хавфсизлигини таъминлаш, ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларида электр энергиясининг давлат стандартларида белгиланган сифат кўрсаткичларини сақлаб туради.

2. Ўз мақсадлари ва вазифаларига эришиш учун корхона фаолиятида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларидан фойдаланилишини ва уларнинг таъмирланишини ташкил этиш;

- электр тармоғи ҳўжалиги объектларида электр энергиясининг технология нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш;

- электр энергиясини истеъмол қилувчи электр қурилмаларини белгиланган тартибда худудий электр тармоқларига улаш учун истеъмолчиларга техник шартларни бериш;

- электр таъминоти шартномасини жисмоний шахс билан электр тармоғига уланish учун зарур усуналарга, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига эга бўлган, шунингдек электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари талабларини баҳарган тақдирда тузиш;

- истеъмолчининг белгиланган тартибда киритган тақлифларига мувофиқ электр энергиясининг ойлик шартномавий истеъмоли ҳажмларини шакллантириш;

3. Электр энергиясидан фойдаланиш ва фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни амалга ошириш тартиби.

Хусусий уй-жойларда яшовчи истеъмолчилар электр қурилмаларининг янги ва қўшимча қувватларини электр тармоқларига улаш учун техник шартларни олишга мажбурдирлар.

Қўп хонадонли уй-жойларда электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш мақсадида ҳисобга олиш приборлари ҳар бир хонадон учун махсус ажратилган жойларда ўрнатилади.

- ҳисобга олиш приборлари, шунингдек, электр тармоқлари корхонаси билан истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинди, давлат қиёслашидан ўтказилади ва ўрнатилади ҳамда

электр тармоқлари корхонасининг вакили томонидан рўйхатдан ўтказилади ва муҳрланади.

- ҳисобга олиш приборларидан «Устандарт» агентлигининг ёки унинг худудий бўлинмасининг белгиланган намунадаги пломбаси бўлиши керак.

- ҳисобга олиш прибори уй-жой ёки хонадон эгасининг буюртманомасига биноан бир ҳафта муддатда, унинг иштирокида худудий электр тармоқлари корхонасининг вакили томонидан ўрнатилади.

- ҳисобга олиш приборига эга бўлмаган ва бирор-бир сабабга қўра мазкур турар жойда вақтинча

12. ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН АҲОЛИГА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА НИМАЛАРНИ БИЛМОҚ ЛОЗИМ?

Электр қуввати — нафақат ёруғлик ва иссиқлик манбаи, балки яшаш жойингиз ва озиқ-овқат маҳсулотларингизни совутиш учун замонавий жиҳоз ҳамда мосламалардан фойдаланиш имконияти ҳамдир.

лик яшамаётган истеъмолчи электр тармоқлари корхонасини бу ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

- ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичларни ёзиб олиш ва тўлов ҳужжатларини амалдаги тариф бўйича ёзиб бериш электр тармоқлари корхонасининг вакили ёки истеъмолчининг ўзи томонидан амалга оширилади.

- электр тармоқлари корхонасининг вакили, гувоҳномага эга бўлган тақдирда, хонадондаги ҳисобга олиш приборларини соат 8.00 дан бошлаб 20.00 гача тўққизликсиз текшириб кўриш ҳуқуқига эгадир.

- электр энергияси учун ҳақ тўлаш истеъмолчи томонидан аҳолидан тўловларни қабул қилувчи пунктлар ва ташкилотлар орқали ҳар ойнинг 10-санасигача амалга оширилади.

- истеъмолчилар тўлов бўйича қарздор бўлишганда, тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдориди, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар.

- истеъмолчи, ўз хоҳишига қўра, 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун электр энергиясидан фойдаланиш ҳақини олдиндан тўлаб қўйишга ҳақли, бу ҳолда тариф ўзгарса ҳам қиймат қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти-
Тошкент шаҳар прокуратураси-
Тошкент шаҳар ЭТКси ОАЖ-

тел.: 239-05-52
тел.: 1007, 271-12-26
тел.: 233-75-79, 233-77-53, 233-78-46

4. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари

- истеъмолчи ўз электр қурилмаларини худудий электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улашга;

- электр тармоқлари корхоналарининг электр тармоғи ҳўжалиги объектларини режалли таъминлашнинг туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узлишлар тўғрисида 3 сутка олдин маълумотга эга бўлиш;

- сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлган электр энергиясини истеъмол қилиш;

- электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган электр энергияси етказиб берилмаганлиги сабабли етказилган зарарининг ўрни белгиланган тартибда ундирилишини талаб қилиш;

- электр таъминоти шартномасини тузиш ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш учун судга ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга мурожаат қилиши;

- истеъмолчи томонидан таъминотчининг ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлари аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда давлат ва суд ҳимоясидан фойдаланиш.

5. Истеъмолчиларнинг мажбуриятлари:

- электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимида риоя этиш;

- фойдаланилган электр энергияси учун ҳақни электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаш;

- электр тармоқлари корхонаси вакилининг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини текширишига йўл қўйиш;

- электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- ўзи фойдаланаётган электр тармоқлари, асбоб ва усуналарининг лозим даражадаги техник ҳолати ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг носозликлари тўғрисида электр тармоқлари корхонасига хабар қилиш;

6. Истеъмолчиларга қуйидагилар тақиқланади:

- электр энергиясидан шартномасиз фойдаланиш;

- «Устандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда қиёслашдан ўтказилмаган электр энергиясини ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш;

- электр усуналарини электр тармоқларига ўзбошимчилик билан улаш;

- электр усуналарини қабул қилгичларни ҳисобга олиш приборларидан ташқари улаш ёки электр энергиясини ҳисобга олиш схемасини бузиш, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг пломбаларини бузиш.

Жасур ЭРМАТОВ,
Тошкент шаҳар прокураторининг ёрдамчиси

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент Автомобиль йўллар институтига бўлиб ўтган йиғилиш солиқ қарздорлигини қисқартириш орқали ижросини таъминлаш, жумладан эгалигида мол-мулклари ва ер участкалари мавжуд бўлган фуқаролар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда тумандаги коммунал тўловлардан бўлган қарздорликларни қисқартириш борасидаги амалга оширилаётган тадбирлар ижросига бағишланди.

Тадбирда Миробод туман ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси, туман прокуратураси, ИИБ, Суд ижро бўлими, солиқни сақлаш, ҳалқ таълими, барча маҳалла раислар ва фаоллари, электр энергия тармоғи, туман табиий газ таъминоти идораларининг масъул ходимлари иштирокида ўтказилди.

— Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган ер ва мол-мулк солиқлари маҳаллий бюджетга тушиши, ўз навбатида шаҳар ва туманларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига сарф этилишини ҳаммамиз яхши биламиз, — дейди Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг солиқ бўйича қарзларни мажбурий ундириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Эркин Нарманов. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 272 ва 294-моддаларига мувофиқ, 2013 йил учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқлари бир маротаба, яъни ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар этиб белгиланган. Ўзингизга маълум, телевидение, мобиль телефонлари ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари орқали жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солигини тўлов муддати якунланаётганлиги сабабли ўз вақтида тўловларни амалга оширилиши бўйича мунтазам тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилди.

Шунингдек, йиғилиш давомида жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғи, электр энергия ҳамда газ тўловларидан мавжуд қарздорликларни қисқартиришда фуқароларимиз ҳам ўз ҳиссаларини қўйишлари борасида тушунтиришлар берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 октябрдаги «Истеъмолчиларга етказиб берилган табиий газ ва электр энергияси учун қайтарилмаган маблағларнинг 2013 йил октябрь-ноябрь ойларида ундириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида»ги 285-сонли баёнининг Миробод туманидаги ижроси тўғрисида Миробод тумани электр энергия таъминоти ҳамда туман газ корхонаси раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Кун тартибидида муҳокама қилинган масалалардан сўнг мажлис қатнашчилари бир қатор саволлар билан ташкилотчиларга мурожаат қилди ва муаммолари масалалар ўз ечимини топди.

Зарина РУСТАМОВА

Учтепа туман ҳокимлигида

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

Учтепа тумани ҳокимлиги томонидан жорий йилнинг 30 сентябрида «Учтепа туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2014 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги 409-сонли қарори қабул қилинди.


Ушбу қарорга асосан Учтепа туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 169 та ташкилотларда тоифалар бўйича 1444 та иш ўринлари банд қилиниб, 2013 йил якунларидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун ҳамда 2014 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 фоизини яратиш тўғрисида буйруқ чиқариб, унинг нусхаларини туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган таъкилотлар қўшимча иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисmini туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Қарорнинг тўлиқ матни билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.



ХАЛҚИМИЗ БУЮКЛИГИНИНГ КЎЗГУСИ
Темурийлар тарихи давлат музейида.
Ёлқун Шамсиддинов (ЎЗА) олган суратлар



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИ ФРАНЦИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизнинг Париждаги элчихонаси ва Франциянинг Руэй-Мальмезон шахри мэрияси ҳамкорлигида уюштирилган тақдимот маросимига 50 дан зиёд компания, жамоат ассоциациялари, муниципал ташкилотлар ҳамда маҳаллий маъмурият вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тадбир чоғида юртимиздаги жозибали сармоиявий муҳит, «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ҳамда «Жиззах» маҳсул индустриал зоналарида, шунингдек, Навоий шаҳар аэропортидаги Халқаро интермодал логистика марказида хориқлик сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Бунда Франциянинг илғор технологияларга эга етакчи компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, уларнинг қиммат, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатида, машинасозлик, дори-дармон ишлаб чиқариш сингари соҳалардаги кенг қамровли лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида иштирок этиши истиски болларига эътибор қаратилади.

Руэй-Мальмезон шахар мэри, Миллий Ассамблея депутаты, Франция ҳукуматининг собиқ вазири Патрик Олье муниципал ҳукумат, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакилларида Ўзбекистон билан ҳар томонлама шериклини чуқурлаштиришга катта қизиқиш мавқуудлигини қайд этди.

Унинг айтишича, бундан қарийб 15 йил аввал Бухоро ва Руэй-Мальмезон шаҳарларининг биродарлашгани икки томонлама муносабатларини ривожлантиришда муҳим оқим бўлмоқда. Икки шаҳар маъмуриятлари ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилган, муносабатлар ривожланишида ўзаро делегация аламушулари ташкил этилаётган, маданий-гуманитар ҳамкорлик қўллаб-қувватланмоқда.

Бизнинг умумий мақсадимиз Франция компанияларини Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, мамлакатда бизнес юритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳусусида батафсил маълумотлар билан яқиндан таништиришдир, — деди Патрик Олье. — Умид қиламизки, бугунги анжуман Франция сармояларининг Ўзбекистон саноатига жалб этилишига қўмақлашади.

Тақдимотда мамлакатимиз билан амалий ҳамкорлик тақрибасига эга бўлган ҳамда ўзаро муносабатларини йўлга қўйишни мўлжаллаётган Франция бизнес-

си вакиллари ҳам сўзга чиқдилар. Тадбир ҳар икки томон учун манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ҳамда истискиболлари, Ўзбекистон саноатининг ҳозирги ҳолати ҳамда ривожланиши, юртимизда хориқлик сармоядорлар учун берилган имтиёзлар ва ҳаётга татбиқ қилинаётган иқтисодий-иқтисодий ислохотлар юзасидан ўзаро фикр алмашуларга бой бўлди.

«Thales» компанияси вице-президенти Мишель Рикард Ўзбекистоннинг диверсификацияланган иқтисодиёти ҳамда мамлакатнинг юқори малакали мутахассисларга эга эканлиги хориқлик сармоядорларини ўзига жалб этаётганини таъкидлади.

— Ҳозирги пайтда биз «Oberthur Technologies» компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимизда биометрик паспортларни чиқариш бўйича иш олиб боришдамыз, — деди тадбиркор. — Шунингдек, биз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга интилоқдамыз, қўшма телекоммуникация йўлдоши лойиҳаси устида иш олиб бораётганимиз баробарида GSM 4G тизимини қўллаш юзасидан Ўзбекистон мобил алоқа операторлари билан музокара ўтказишни режалаштирганмиз.

«Air Liquide» компанияси вице-президенти Кристоф Фонтейн юртимизда энергия трансформацияси соҳасида ҳаётга татбиқ қилинаётган сармоялаш бўйича узоқ муддатли дастур ҳақида атрофлича тўхталди.

— Биз саноат газлари заводнинг қурилишидан манфаатдормыз, — деди у, жумладан. — Чунки бундан буён саноат газларига бўлган талаб, айниқса қиммат, нефтини қайта ишлаш ва металлургия жабҳаларида барқарор риважда олиб бораверади. Жорий йилнинг март ойида «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси ҳамда Air Liquide компанияси ўртасида саноат газлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Бу ўзаро амалий ҳамкорлигимизнинг янги босқичи бўлди.

«Жаҳон» АА

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгашида экотуризмни ривожлантириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

Экология

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Сингапурнинг атроф-муҳит масалалари бўйича кенгаши ва бошқа давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, вазирилик ва идоралар вакиллари, олимлар, мутахассислар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алиханов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни модернизациялаш, техник ва технологик ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар жараёнида атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, табиий ресурсларни тежаш ва барқарор ривожланишга эришишга устувор эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майда қабул қилинган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»-ги қарори соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлаётган.

Мамлакатимизда глобал ва минтақавий экологик муаммоларнинг олдини олиш, табиий муҳит мусавфоллигини таъминлашга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ташкилотлари билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётган.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати атроф-муҳитни муҳофазалаш ва инсон саломатлигини асрашда жамоатчилик иштирокини кўчатириш, экологик қонунчиликни такомиллаштириш, бу борадаги илғор технологияларни омаллаштириш каби йўналишларда кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Қўллаб-дават ва халқаро ташкилотлар, хориқий давлатларнинг тегишли тўзилмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Сингапурнинг атроф-муҳит масалалари бўйича кенгаши ана шундай ҳамкорлардан биридир. Экоҳаракат ва мазкур кенгаш ўртасида 2012 йилда имзоланган ҳамкорлик меморандуми асосида экологик хавфсизлигини таъминлаш, барқарор ривожланишга йўналтирилган қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, экологик назорат самарадорлигини оширишда жамоатчилик ва нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокини кенгайтириш бўйича қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Семинарда экологик барқарорлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик туризмни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, экологик таълим, қонунчилик, жамоатчилик экологик назорати соҳасида мамлакатимизда ва Сингапурда амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар юзасидан тақриб алмашилди. «Экологик назорат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокама этилди.

— Экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ортирилган илғор тақрибани чуқур ўрганиш ва омаллаштириш мамлакатларимиз учун жуда фойдалидир, — дейди Сингапурнинг атроф-муҳит масалалари бўйича кенгаши ижроия директори Хосе Раймонд. — Ўзбекистонда ҳақар деган ажойиб аниҳа бор. Мустақиллик йилларида ана шундай эзгу миллий аниҳаларингиз янада ривожланиши боис Ўзбекистон тобора чирой очиб, раванқ топаётган. Бундай хайрли ишларни ўрганиш ва татбиқ этиш тараққиётга хизмат қилади.

Семинарда экологик қонунчиликни ривожлантириш ва экологик назоратни амалга оширишда фўқаролик жамоияти институтларининг иштироки, бу борада Ўзбекистон ва Сингапур тақрибаси, экологик туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини такомиллаштириш масалаларига оид маърузалар тингланди, ўзаро фикр алмашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Тадбирлар

БАТАН ОСТОНАСИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Миробод тумани хотин-қизлар қўмитаси томонидан жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ижтимоий муҳитни барқарорлаштиришга бағишлаб «Ватаним остонаси маҳалламдан, оиламдан бошланади» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда «Олтинқўл» маҳалла фўқаролар йиғини томонидан олиб борилаётган бешта сектор ишининг тақдими, тумандаги оилавий поликлиникалар томонидан амалга оширилаётган вазифалар ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлаш юзасидаги ишлар таҳлил қилинди.

Намуна сифатида «Олтинқўл», «Ўзбекостон», «Байнаҳлима», «Сариқўл» маҳаллаларида олиб борилаётган ишлар тақдимот мисолида кўрсатилди.

Жумладан, баъзи маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг иш фаолиятидаги камчиликларга ҳам танқидий ёндашилди.

— Бундай тадбирларни ўтказишимиздан қўзланган асосий мақсад аҳоли яшаш тарзини янада яхшилаш, уларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, энг намунали маҳалла фаолларининг ишини тақдимот орқали кўрсатиб беришдан иборатдир, — дейди Миробод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Мадаминава.

— Туманимиздаги оилавий поликлиникаларнинг соғломлаштириш борасида олиб бораётган ишларини янада кенгроқ тарғиб қилиш орқали ҳам ижобий натижаларга эришмоқдамиз. Асосийси аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, ҳимоялаш, яхшилаш, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий маданиятни ошириш, оилаларнинг тинчлигини янада таъминлаш, ёшларнинг онгу тафаккурини теранлаштириш, кишилар орасида бахтли ва фаровон турмушнинг ташкил қилишга яқиндан қўмақлашиш, Ватанимизга муносабат фарзандларни қамолга етказиш каби эзгу мақсадларни қамраб олади. Инсон энг олий зот, унинг яхши яшаш, эзгу ниятларга йўғрилган мақсади ишларини амалга ошириш йўлида бундай тадбирларнинг ўтказилиши жуда муҳимдир.

Тадбир мулоҳаза, мунозара ва қизиқарли фикрларга бой бўлди. Фаол иштирокчилар Миробод тумани хотин-қизлар қўмитаси томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири ҳар томонлама етуқ, комил инсонни тарбиялашдир. Энг аввало, ён-атрофимизда рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий ҳақда сиёсий ўзгаришлар ёшларнинг онгига таъсир этмасдан қўлмаслигини унутмаслигимиз лозим.

Маълумки, инсон ҳеч қачон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Шунингдек, у бирданига тарбияли ва билимли бўлиб ҳам қолмайди. Бу вазифа биринчи гада ота-онага юклатилган бўлиб, оиладаги тарбиянинг самардорлиги ва албатта ота-онанинг қанчалар билимли, маданиятли бўлиши, бола тарбиясига ўта масъулият билан қарашлари, фарзандлари келажагини чуқур ҳис қилишлари, тақрибда сингалган миллий урф-одатлардан унутили фойдаланишларига боғлиқ.

Шунинг баробарида, болаларга нисбатан талабчанлик, ота-она ва катта ёшдаги кишиларнинг ўзаро аҳиллиги, қичикларга ғамхўрлик, осуда турмуш ҳамда ҳалол меҳнат фаолияти оилавий тарбиянинг асосини ташкил қилади. Жамият ҳаёт кўринишининг универсал шакли бўлса, оила унинг янгейасидир. Оила умумий, махсус ва ижтимоий қонунларга мувофиқ ривожлана-

аризмаган бўлиб қўринган қўполлик, ўзгаларни писанд қилмаслик, катталарга ҳурматсизлик каби қусурлар вақти келиб салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Дарҳақиқат, тарбияда ҳеч қачон бепарволикка, лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу ҳақда Юртбошимизнинг шундай фикрлари бор: «Биронинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиш керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на имон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бетона одамдек қарайди».

Юқорида таъкидлаганимиздек, жиноят бола туғилиши билан унга йўлдош бўлиб йллашмайди. Балки унинг улайиши давомида оладиган тарбиясига, шунингдек, ташқи муҳит таъ-

2013 йил — Обод турмуш йили

АҲИЛЛИК — ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ АСОСИ

ди. Шу билан бирга, у жамиятнинг барча қарама-қаршиликлари ўзида акс эттирувчи, айни чоғда табиий ички тараққиёт манбаларига ҳам эга бўлган мустақил ижтимоий институтдир. Жамият ва оилада ҳар берадиган ўзгаришлар бир-бирига ўзаро боғлиқдир. Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳамда руҳий ўзгаришлар ёшларда оила ва оилавий муносабатларга нисбатан ижобий муносабатларнинг шаклланиши учун зарур имкониятларни яратди. Шу сабабли оила фақат аҳоли ўзини тўлдириб вазифасини бажарибгина қолмай, шахсининг ўзини ўзи намоеън эттирувчи, ижтимоий аҳамиятга молик фазилат ва хислатларни эгаллаш, ижтимоий маданиятни шакллантириш учун қулай муҳит ҳисобланади.

Оиладаги муҳит ўзаро ҳурмат, ҳалоллик асосига қурилиб, оила бошлиғи ўз вазифасини сидқидилдан бажарса жамиятнинг бундай янгейасидан яхши фўқаролар етилиб чиқади. Шунинг учун ҳам оила давлат асоси, деб ҳам аталади.

Аммо афсуски, ҳаётда ҳамма нарсаси тўла-тўқис бўлавермайди. Ёшлар, айниқса, воғна етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ҳар қандай жамиятда, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам орғиқли муаммодир. Чунки, ҳали ўзини тўла бошқара олмай-диган, ҳатти-ҳаракатларига жавоб беролмайдиган ёшлар атроф-муҳитдаги ижтимоий воқелик таъсирида ҳуқуқбузарликлар содир этиши, оғир жиноятларга қўл уриши мумкин.

Маълумки, ҳар қандай иллат, адолатсизлик ёки жиноятнинг илдизиди одобсизлик, ахлоқсизлик ётади. Халқимизда ўғрилиқ битта нина ёки битта тухумни ўғирлашдан бошланади, деган гап бор. Бундан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, биз учун арзimas бўлиб туолган одобсизликнинг вақтида олди олинмаса, эрта бир кун ундан ахлоқсизлик униб чиқади. Заминга тушиб, илдиз отмасиданок бартараф этилиши зарур бўлган, аммо лоқайдлик боис эътиборсиз қолдирилган ўша кичик одобсизлик уруғи турли шаклларда намоеън бўлиб, ўзининг захарли мевасини бериши мумкин. Оддий муомалада

сирларига бевосита боғлиқ бўлади. Шу боис, айрим жойларда тарбиявий-ҳуқуқий ишларнинг сулалашгани, назоратнинг бўлиши, бандлик масалалари ва бошқа муаммоларнинг етарли даражада ҳал этилмаганлиги натижасида ёшлар томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноий ҳаракатлар содир этилиши, ги-ёҳвандлик ва ичкилобозликка руж қўйиш, диний фанатизм ёки бошқа салбий оқимлар ҳамда гуруҳлар таъсирига тушиб қолган ҳоллари ҳам афсуски учраб турибди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун аввало, тарбияси оғир, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, шунингдек, ҳар бир тарбияси оғир болага жамоатчилик фаолларини бириктириб қўйиш, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботларини тинглаш керак. Бу ишни оила, маҳалла, мактаб, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга жавобгар бўлган бошқа ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар қошидаги комиссияларнинг иш самардорлигини ошириши орқали, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориш лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эса воғна етмаганлар ишлари бўйича масалаларни қўришда болалар ва ўсмирларни ҳуқуқбузарликка ундаган сабабларни аниқлашлари, жиноят илдизини топшиш принциpidан келиб чиқиб, фаолият юритишга шарт. Қонун устувор, инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланган жамиятда жиноятчини жазолаш эмас, уни ахлоқдан тутатиш, тўғри йўлга бошлаш асосий принцип ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, келажақ авлоднинг жисмон соғлом, ақлан етуқ ва маънан барқамол бўлиб етилиши учун она урғу келажақига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фўқаро масъулдир. Истаганимиз ушбу эзгу ният ҳар бир юртдошимизнинг юксак инсоний ва фўқаролик бурчига айлансин.

Ботир ИРИСМЕТОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурори ўринбосари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Паркент тумани СИБ томонидан 06.10.2010 й. № 1-349 - сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «Газ 5204» д.р. 10 А 786 ВА. Бошланғич баҳоси – 1 391 487,78 сўм. Паркент тумани, ХАТП 23-сонли автогражда сақланмоқда (1). 2. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 19.08.2013 й. № 8988 - сонли ижро ҳужжати асосан 1998 й. и.ч. «Газ 3110» д.р. 10 В 031 FA. Бошланғич баҳоси – 6 741 381 сўм. Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланмоқда (2). 3. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 17.09.2012 й. № 17943 - сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 Е 267 EA. Бошланғич баҳоси – 16 100 000 сўм. 4. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 31.05.2010 й. № 8252 - сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. «Москвич 412» д.р. 11 S 845 VA. Бошланғич баҳоси – 1 311 448 сўм. 5. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 19.05.2008 й. № 2777 - сонли ижро ҳужжати асосан 1984 й. и.ч. «Москвич 412» д.р. 11 V 6328. Бошланғич баҳоси – 460 989,77 сўм. 6. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 10.02.2013 й. № 433 - сонли ижро ҳужжати асосан 1985 й. и.ч. «Урал» д.р. 6981 ТША. Бошланғич баҳоси – 746 140 сўм. Олмалиқ шаҳар 1-сонли ИИБда сақланмоқда (6). 7. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 17.06.2010 й. № 9297 - сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. «Газ 24» д.р. 11 Т 8467. Бошланғич баҳоси – 582 962 сўм. 8. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 31.05.2010 й. № 8252 - сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. «Ваз 2105» д.р. 11 G 2126. Бошланғич баҳоси – 1 799 943 сўм. 9. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 06.10.2011 й. № 10376 - сонли ижро ҳужжати асосан 1984 й. и.ч. «Ваз 2102» д.р. 11 Т 7056. Бошланғич баҳоси – 1 172 444,80 сўм. Бўйта тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280 - сонли ижро ҳужжати асосан 1996 й. и.ч. «2-ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 655 209 сўм. 11. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541-2011 - сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Nevo» д.р. 31 R 1924. Бошланғич баҳоси – 84 568 750,15 сўм. 12. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541-2011 - сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Hatsan» д.р. 31 R 2316. Бошланғич баҳоси – 44 538 838,6 сўм. «Арк бўлоқ» ТИФ пости ҳудудида сақланмоқда (11,12). 13. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2012 й. № 1-985-12 - сонли ижро ҳужжати асосан 2010 й. и.ч. «Ласетти» д.р. 60 151 JAA. Бошланғич баҳоси – 34 676 336,7 сўм. 14. Чилонзор тумани СИБ томонидан 23.04.2013 й. № 1-493-13 - сонли ижро ҳужжати асосан 2005 й. и.ч. «Матиз» д.р. 11 Z 3138. Бошланғич баҳоси – 12 469 325,5 сўм. «Space Arsenal Servis» МЧЖда сақланмоқда (13,14). 15. Чилонзор тумани СИБ томонидан 04.02.2013 й. № 1-575-17/2013 - сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01 J 674 CA. Бошланғич баҳоси – 27 540 000 сўм. Чорсув маркази майдончасида сақланмоқда (15). 16. Олмазор тумани СИБ томонидан 12.06.2012 й. № 19628/17 - сонли ижро ҳужжати асосан 1979 й. и.ч. «Ваз 2103» д.р. 30 E 5742. Бошланғич баҳоси – 1 960 797,8 сўм. Себзор жарима майдончасида сақланмоқда (16). Аукцион савдоси 2013 йил 11 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 17. Бекобод тумани СИБ томонидан 23.09.2013 й. № 16150 - сонли ижро ҳужжати асосан 2005 й. и.ч. «Нексия» д.р. 11 J 946 DA. Бошланғич баҳоси – 13 635 346 сўм. 18. Бекобод тумани СИБ томонидан 15.07.2013 й. № 13515 - сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. «Москвич» д.р. 10 D 8096. Бошланғич баҳоси – 757 541 сўм. Бекобод тумани Ешлик ХХСК майдончасида сақланмоқда (17,18). 19. Бекобод тумани СИБ томонидан 02.10.2013 й. № 216626 - сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «BMW» д.р. 11 S 4437. Бошланғич баҳоси – 10 330 000 сўм. 20. Бекобод тумани СИБ томонидан 02.10.2013 й. № 16624 - сонли ижро ҳужжати асосан 1997 й. и.ч. «Нексия» д.р. 10 F 964 AA. Бошланғич баҳоси – 15 097 000 сўм. 21. Бекобод тумани СИБ томонидан 02.10.2013 й. № 216625 - сонли ижро ҳужжати асосан 2012 й. и.ч. «Катива» д.р. 77 108 000. Бошланғич баҳоси – 15 097 000 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБ жарима майдончасида сақланмоқда (19,20,21). 22. Оқўғор тумани СИБ томонидан 27.08.2010 й. ижро ҳужжати асосан 2004 й. и.ч. «Нексия» д.р. 11 TV 192. Бошланғич баҳоси – 6 465 839 сўм. Оқўғор тумани ДСИ майдончасида сақланмоқда (22). 23. Утчена тумани СИБ томонидан 11.11.2011 й. ижро ҳужжати асосан 1993 й. и.ч. «Mercedes-Bens» д.р. 10 AP 694. Бошланғич баҳоси – 22 878 460 сўм. 24. Утчена тумани СИБ томонидан 11.11.2011 й. ижро ҳужжати асосан 1997 й. и.ч. «Тисо» д.р. 01 432 KBA. Бошланғич баҳоси – 7 908 282 сўм. 25. Зангиота тумани СИБ томонидан № 7704/22 - сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. и.ч. «ГБА СГП Ласетти» д.р. 10 Y 880 FA. Бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм. Миробод тумани, Шевченко кўчаси, 29-уйда сақланмоқда (25). 26. Зангиота тумани СИБ томонидан № 269 - сонли ижро ҳужжати асосан 2002 й. и.ч. «DAF TE 95 XF» д.р. X 074 UEN. Бошланғич баҳоси – 100 253 000 сўм. 27. Зангиота тумани СИБ томонидан № 269 - сонли ижро ҳ

